



**“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА  
БАХШИЧИЛИК САЊАТИНИНГ ЖАҲОН  
МИҚЁСИДАГИ ЎРНИ”**

**Халқаро илмий-амалий конференция дастури**

**«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА  
УЗБЕКИСТАНА В УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ  
УЗБЕКСКОГО НАРОДА»**

**Программа международной научно-  
практической конференции**

**««THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF  
UZBEKISTAN IN THE ORAL CREATION OF  
THE UZBEK PEOPLE»»**

**Program of the international scientific-practical  
conference**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ННТ СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**



**“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА  
БАХШИЧИЛИК САЊАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДА-  
ГИ ЎРНИ”**

*Халқаро илмий-амалий конференция дастури*

**«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В  
УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА»**

*Программа международной научно-практической  
конференции*

**«THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF UZBEKISTAN IN  
THE ORAL CREATION OF THE UZBEK PEOPLE»**

*Program of the international scientific-practical  
conference*

**ТОШКЕНТ  
«YOSH AVLOD MATBAA»  
2022**

лойихалаштирган, тиклаган ва безакдорлик ишларини бажарган меъмор-уста-ўймакор бир кишининг ўзи эканлигида (ўша замонлардаги усталар тоштарошлик, ўймакорлик ишларини ҳам ўзлари олиб боришган). Ўзбекистоннинг барча худудида, жумладан, тоғли худудларида мавжуд халқ меъморчилигини ёрқинроқ ва изчил тарзда очиб берувчи асосий негизлари излаб топилиб, маиший шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, маҳаллий меъморий унсурлар ва қоидаларни, бинокорлик санъатининг тарихий изларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий услубларга тақлид қилмасдан туриб, улар Ўзбекистон халқ меъморчилигининг нафақат самарали безакдорлигини, балки унинг фазовий кенгликларидаги “кубиклик” ни ҳам англашлари мумкин эди.

## **БАХШИЧИЛИКНИ БУХОРОДА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

**БухДУ – Жаҳон тарихи кафедраси  
катта ўқитувчиси М.Ў.Юсупова**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий меросини сақлаб қолиш, бахшичилик йўналиши бўйича ёшларнинг ижодий салоҳияти, уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, малакали бахшилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 798-сон қарори асосида бугун юртимизда халқимиз маданиятининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз, санъатимиздаги ўрни, аҳамиятини юксалтириш, бахшичилик санъатининг илмий-назарий, амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол

иштирокини таъминлаш мақсадида кенг оммавий байрамлар ва маданий тадбирлар, халқаро анжуманлар ва танловлар ташкил этилиб келинмоқда<sup>1</sup>. Шундай санъат дурдонаси бўлмиш бахшичилик санъати бугунги кунда Бухоройи шарифда ҳам энди кўз очиб, бахшилар мактабини яратишимиз учун жуда катта туртки бўлди. Шу муносабат билан Биринчи халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилиб, унутилган кадрятларимиз тикланиб, зўр қизиқиш уйғотди. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтаётган I - Халқаро бахшичилик санъати фестивали Бухорода ҳам қадимий бахшичилик ва дostonчилик санъатига асос солиб, уни янги босқичда юксалтириб, вилоятда бахши-шоирлар ижодий мактабини яратишда дастуриламал бўлди<sup>2</sup>. Халқ амалий безак санъати тури – зардўзликда шуҳрат қозонган уста хунарманд Нодир Расулов, патдўз Феруз Жўраев, мис-кандакор Жасур Қосимов, ипак-гилам тўқиш ҳамда каштачилик чеварлари Сурайё Ҳалимова, Вазирабону Атоева ва бошқа хунармандларнинг кўрғазмалари воҳанинг ўзига хослиги намоён этди<sup>3</sup>. Бахшичилик ҳақида фикр юритар эканмиз Бухоро воҳасини бирор бир байрамини, фестивалини ташкил этилишини байрам дастурхонисиз ва ажойиб таомлари “Палов-ош” танлови билан иштирок этишади ва ўз пиширган паловларини ташриф буюрган меҳмонларга ва байрамни томоша қилиш учун келган воҳа аҳолисига тақдим этишади. Чунки воҳада қандай байрам, қандай маросим бўлмасин келган меҳмон албатта ош билан сийланади. Паловнинг тайёрланиш услуби эрамиздан аввалги II–III асрларда қадимги Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ярим оролида ташкил топиб келган. Қадимги араб ва форс адабиётининг энг ёрқин намоёндаларидан бири “Минг бир кеча” асарида ва IX–X асрларнинг қўлёмаларида паловнинг байрамон таомлиги ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, уларнинг баъзиларида палов — *pilav, pilaf* деб номланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>“Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори

<sup>2</sup><http://mulkdor.com/>. <https://www.xabaruz.com/madaniyat/baxshichilik-sanati-umuminsoniv-gadriyat>.

<sup>3</sup><https://www.xabar.uz/madaniyat/i-xalqaro-baxshichilik-sanati-festivali-buxoroda-baxshichilikni>.

<sup>4</sup> Курбонова М. Б. Бухоро воҳаси Ўзбек ва тожикларининг аънавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлар номзод дис... – Тошкент, 1994. Б – 23- 24.

“Ўзбек таомларининг энг олийси, шохи палов ҳисобланади. Ҳеч бир тўй-томоша, меҳмондорчилик паловсиз ўтмайди. Палов ҳар воҳала ўзига хос усулда тайёрланади”, - деб ёзади таникли этнограф олим И. Жабборов. Бухоролик йирик олим, адабиётшунос, географ, шоир Қори Раҳматилло Возех ўз асарида паловнинг 109 хили ҳақида (шу жумладан Бухоро воҳасида пишириладиган паловлар хусусида ҳам) сўз юритади<sup>1</sup>. Шу билан бирга аза маросимларида ҳам палов қилиниб, ўз навбатида, маросим таоми бўлиб ҳам ҳисобланади. Дарҳақиқат, палов энг қадимий таомлардан бўлиб, ўзбекларда бу таомнинг 200 хили учрайди<sup>2</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш ҳозирги давр талабларидан биридир. Негаки, дostonларда халқимизнинг азалий орзуармонлари, юксак тафаккур салоҳияти, мардлик, ҳур фикрлилик, эркинлик, бунёдкорлик, ҳалол меҳнат, иймон-эътиқод ғоялари илгари сурилганлиги билан ҳам уларнинг тарбиявий аҳамияти тобора ортиб борапти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилинган “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорида жумладан шундай дейилади:

“Айни пайтда бахшичилик ва дostonчилик санъатининг тарихи, бахшилар ва дostonчилар ижодини мукамал ўрганиш, бу борада фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, нашр этиш юзасидан яна кўпгина чора-тадбирларни амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда.”

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори

<sup>1</sup> Қурбонова М.Б: Этнология соҳасида мақсадли саёҳат. Бойсун баҳори. Термиз Давлат Университети. Халқаро илмий- амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами.Т. “Янги нашр”. Б. 100.

<sup>2</sup> Қурбанов Г. Н. Справочник памятка: Совети Бухарских кулинаров. Т: «Ўзбекистон» 1989. С.-24

2. Қурбонова М. Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлар номзод дис... – Тошкент, 1994. Б. -23 - 24 .

3. **Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. - Қарши: Насаф, 2005. Б. - 195.**

4. <http://mulkdor.com/>.

5. <https://www.xabaruz.com/madaniyat/baxshichilik-sanati-umuminsoniy-qadriyat>

6. <https://www.xabar.uz/madaniyat/i-xalqaro-baxshichilik-sanati-festivali-buxoroda-baxshichilikni>.

## TARIX VA ETNOGRAFIYA

### БУХОРО АМИРЛИГИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ

**Э.О.Қобулов ТермизДУ нинг Педагогика  
институту директори, Турон ФА нинг академиги,  
тарих фанлари доктори, профессор**

Бухоро амирликнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаётида қоқоқлик ва турғунлик ҳоллари сақланиб қолганини ерга эғалик шакллариининг ўзгармай келиши, солиқ ва тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги иқтисодиётнинг барча тармоқларига тўсиқ бўлиб келмоқда эди. Манғитлар даврида ҳам иқтисодиётнинг зарар кўрган ёки зарар қилмаган маблағларни халқ оммаси бошига солинадиган маблағлар ҳисобидан қопланган.

Бухоро амирлиги иқтисодида дехқончилик етакчи ўринни эғаллагани сабабли, асосий солиқ хирож бўлган. Бу солиқ 2 усулда олинган бўлиб, улар қуйидагича бўлган:

1. Муаззаф хирожи ёки хирожи вазифа, натура ва пул шаклида бир йилда 2 марта –баҳор ва кузда йиғиб олинади;

2. Муқасама хирожи – етиштирилган ҳосил ҳисобидан олиниб, хирож минтақа ва ернинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, пул ҳамда маҳсулот ҳисобида доннинг бозор нархига қараб йиғиб олинган. Солиқнинг миқдори маҳаллий ҳукмдорнинг талаби асосида амалга оширилган.



<b>Ғайрат Мамаражобов. МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АКС ЭТТИРГАН ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТАРИХИЙ</b>	
<b>МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ</b> .....	74
<b>М.Ў.Юсупова. БАХШИЧИЛИКНИ БУХОРОДА ХАМ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР</b> .....	78

#### TARIX VA ETNOGRAFIYA

<b>Э.О.Қобулов. БУХОРО АМИРЛИГИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ</b> .....	81
<b>Қаҳрамон Ражабов. СССРНИНГ АГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1939-1941 Й.)</b> .....	86
<b>Воҳидов Шодмон Хусейнович, Гулпари Шарифова. ПРАВИТЕЛЬ И ИСТОРИК АБУЛҒАЗИ БАХАДУРХАН ХИВИНСКИЙ</b> .....	98
<b>Саматов Шомат Бердиевич. АЛИШЕР НАВОЙИ МАЪНАВИЯТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ</b> .....	110
<b>Очил Бўриев, Очилова Ҳолида. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТҒОҲЛАРИНИНГ АҲОЛИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ</b> .....	121
<b>Холмуминов Хусан Эшмуминович. БОЙСУН МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИМИЗ ЮКСАЛГАН МАСКАН</b> .....	128
<b>Мавлюда Файзуллаева. ХАЛҚНИНГ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАР</b> .....	131
<b>Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна. ТАОМ ВА ТАОМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР ҲАР БИР ХАЛҚ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ</b> .....	142
<b>Луков М.К., Қурбонов А.Н., Жураев Т. Қ. СУРХОНДАРЁДА ПИСТА ЎСТИРИШНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ</b> ....	146
<b>О.А.Исаев. ЎЗБЕК САНЪАТИДА СУРХОН ОҲАНГИ - МАХМУД НОМОЗОВ</b> .....	151
<b>Бутаяров Абдуқодир Тухтаевич., Турсунов Шокир Чориевич. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРИХИ</b> .....	155
<b>Отабек Дўланов. ТҲЙ МАРОСИМЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ</b> .....	161
<b>Дўстназарова Мавжуда. СУРХОН ВОҲАСИДА НИКОҲ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАР</b> .....	165
<b>Эргашева Сайёра Абдусоатовна. ШҲРЧИ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ ТАРИХИДАН</b> .....	170
<b>Yuldashov Qaxramon Kamulovich. O`QUVCHILARDA XALQ</b>	

**“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА  
БАХШИЧИЛИК САЊАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДА-  
ГИ ЎРНИ”**

*Халқаро илмий-амалий конференция дастури*

**«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В  
УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА»**

*Программа международной научно-практической  
конференции*

**«THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF UZBEKISTAN IN  
THE ORAL CREATION OF THE UZBEK PEOPLE»**

*Program of the international scientific-practical  
conference*

Мухаррир *О. Қанаев*  
Бадий мухаррир *А. Ақилов*  
Техник мухаррир *Б. Ирисбоев*  
Мусаххих *З. Ирисбоев*  
Саҳифаловчи *З. Расулов*

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-dle5-f4f3-8537-2366

Босишга 25.04.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Ҳажми 45,0 б.т. Адади 500 нусха.

Шартнома № 18/72. Буюртма № 142.

“Yosh avlod matbaa” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54.

“Adad Plyus” МЧЖ босмаҳонаси.  
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.